



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 127 (12.188)

Баҳоси эркин нарҳда

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сиз, ҳурматли журналистларни, нашриёт ва матбаа, радио ва телевидение вакиллари, муҳтарам фахрийларимизни 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга эзгу тилларимни изҳор этаман.

Бугун биз яшаётган, глобаллашув ва Интернет асри деб ном олган даврда тараққиётни, ҳаётимизни замонавий ахборот ва ахборот-коммуникация технологияларидан, телевидение ва оммавий ахборот воситаларидан, сиз азиз журналистлар фаолиятининг айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслигини ҳаммамиз яхши англаймиз ва сизларнинг ўта машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатингизни юксак қадрлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда оммавий ахборот воситаларининг фаолият қўлами, инсон ва жамият ҳаётига таъсири мисли қўрилмаган даражада кучайиб бормоқда. Бугунги кунда ахборот нафақат маълумот етказиш, одамларни янгилик ва ўзгаришлар билан таништириш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда, айни вақтда ахборот ва коммуникация тармоғи амалда ишлаб чиқаришнинг етакчи йўналишларидан бирга, моддий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг ривожини ўсишига ҳал қилувчи асос ва туртки берадиган, тез ривожланаётган энг замонавий соҳага айланиб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Бу ҳақда фикр юритганда, рўйида янги жамият, янги ҳаёт куриш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, ишлаб чиқариш суръатларини кучайтириш, иқтисодийётимиз самарадорлигини ошириш йўлида тўсқ бўлиб турган муаммоларни ечиш, ички ва ташқи сўбасатини олиб бориш бўйича тўғри йўлни танлашда матбуот соҳасининг қўшаётган ҳиссасини тан олиб, унинг роли, аҳамияти ва моҳияти ҳақида қўл гапириш мумкин.

Лекин шулар қаторида яна бир масала борки, бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтишни истардим. У ҳам бўлса, эркин ва обод ҳаёт барпо этиш йўлида асосий куч бўлмиш халқимиз, энг аввало, ёшларимизнинг маънавий оламини шакллантиришда, одамларимизнинг ҳаётга, меҳнатга муносабатини ўзгартиришда, уларни мустақил фикрлаш, онгли яшаш руҳида тарбиялашда, бизнинг ривожланишимизга ҳалақит бераётган эски қолип ва қарашлардан халос бўлишда, бир сўз билан айтганда, доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшаш, бугунги ва эртанги кун талаблари билан ҳамқадам бориш, ўз она юртига бўлган меҳри ва садоқатини мустаҳкамлашда – ўзини ҳақиқий инсон деган ҳар қандай кишига мансуб айни шундай олижаноб ғазилатларни камол топтиришда оммавий ахборот воситалари соҳасида фаолият кўрсатаётган меҳнатчиларнинг улкан хизмати борлигини катта миннатдорлик билан таъкидлаб айтишни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Биз мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб, мамлакатимизда матбуот ва оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича амалга ошираётган кенг қўламли ишларимиз бугунги кунда ўзининг ҳосили ва самарасини бераётгани барчамизга мамнуният бағишлайди.

Юртимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг микдор ва сифат даражаси тубдан ўзгариб, уларнинг умумий сони 1 минг 250 дан ошиб кетгани, рақамли ва мобил телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио каби замонавий ахборот тармоқларининг улуши ва таъсири тобора ортиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Хусусан, энг тезкор ва таъсирчан ахборот воситаси бўлмиш Интернет журналистикасига, уни ҳар жиҳатдан чуқур эгаллашга бўлган интилишнинг натижа кучайиб бораётгани миллий матбуот

тимизнинг халқаро медиа майдонда ўз муносиб ўрнини топиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда нодавлат оммавий ахборот воситаларининг кенг тармоғи шаклланиб, самарали фаолият олиб бораётгани жамиятимизда фикр ва қарашлар ранг-баранглигини, ўзаро ижодий мусобақа муҳитини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда. Буни мавжуд теле ва радиоканалларнинг 66 фоизини, босма нашрларнинг эса 50 фоиздан зиёдини айнан нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этиши ҳам тасдиқлайди.

Бизнинг энг юксак мақсадимиз бўлиши тараққий тоған замонавий демократик давлатлар қаторидан жой олиш йўлида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг самарадорлигини янги босқичга кўтариш, матбуотнинг том маънода мустақиллигига эришиш, бунинг учун авваламбор уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш ва баҳолар ривожланиши учун зарур манбаларга эга бўлиши билан боғлиқ масалаларни ечиш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Бу борада Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён қилинган фикр ва ғоялар асосида изчил амалга оширилаётган ишлардан, ўйламанки, сизлар яхши хабардорсиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, мазкур концепция негизда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида», «Телерадиоэшитиришлар тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида» ва бошқа бир қатор қонун лойиҳаларини сиз, матбуот вакиллари билан биргаликда тайёрлаш ва қабул қилиш бўйича олиб борилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Шулар қаторида матбуот ва оммавий ахборот воситалари, нашриёт, матбаа корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлар учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзаллиқлар бериш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган Президент қарори оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилиши табиийдир.

Айни вақтда барчамизга яхши аёнки, бугунги кунда тез ўзгариб, мураккаблашиб бораётган замоннинг ўзи, тобора кучайиб бораётган турли таҳдид ва хатарлар оммавий ахборот воситалари олдига ўткир ва масъулиятли талабларни қўймоқда.

Албатта, ҳар қандай янгилаш, ўзгариш, шу жумладан, ахборот соҳасида ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ҳаётимизни, иқтисодийётимизни бошқариш тизими, мамлакатимизнинг тараққиёти, унинг ўсиш суръатлари ва самарасини ошириш, барқарорлигини таъминлаш кундалик оғир ва машаққатли меҳнат эвазига қўлга киритилишини ҳаммамиз яхши тушунаемиз.

Шу нуқтаи назардан оммавий ахборот воситалари ва бу соҳада хизмат қилаётган ходимлар олдида турган энг муҳим вазифаларни баҳолаб аниқлаш:

Биринчидан, доимо изланиш, қўлга киритилган ютуқларга берилмасдан, уларга маҳлиё бўлмасдан, мақтанмасдан, кимнидир улуғлаш йўлига ўтмасдан, авваламбор, маррани баланд қўйиб, ҳаёт воқеяларини ҳаққоний ва холис акс эттириш талаб қилинади;

Иккинчидан, ҳаммамизга аёнки, ўз олдига мақсад қилиб қўйган марраларга эришиш учун журналист ўзини аямасдан, профессионал билим ва савиясини, маҳорат ва тажрибасини ошириш учун ўз устидо тинимсиз изланиш, меҳнат қилиши, турли синовлардан муносиб ўтиши зарур;

Учинчидан, бундай юксак даражага кўтарилиш учун бу касбни танлаган ҳар қайси инсонга мардлик, фидойилик ва жасорат керак, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан;

Тўртинчидан, ўз касбига садоқатли бўлиш, уни севиш, авваламбор, эскича қараш ва аломатлардан воз кечиш учун журналист бошқаларга нисбатан олдинги сафда бўлиши, ўз ҳаётини принципларидан қайтмасдан, виждон амри билан яшаш лозим.

Бу ҳақда гапирганда, бир тақлифни сизлар билан ўртоқлашишни жоиз, деб биламан. Матбуот сўзининг таъсирчанлигини ошириш, энг муҳим чиқишларга жамоатчилик эътиборини қаратиш учун биринчи навбатда самарали фаолият кўрсатадиган аниқ тизим ташкил қилиш керак, деб ўйлайман. Бу борада Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳар чорак якуни бўйича оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг долзарб, энг ўткир материалларни алоҳида қайд этиб, баҳолаб, бу ҳақда матбуотда хабар бериб борса, менинг назаримда, айни мўддао бўлар эди.

Бунда айниқса тахлилий ва танқидий чиқишларга алоҳида аҳамият бериш ўринлидир. Бундай муносабат, ўйламанки, журналистларнинг оғир меҳнатини эътироф этиш ва қадрлашда катта роль ўйнайди. Шу билан бирга, айни шу материалларда ўртага қўйилган муаммоларни ечиш учун жамоатчилик эътиборини жалб қилишга ҳам муҳим ҳисса қўшади.

Айтиш кераки, одатда газета-журналларимизда, телерадиоканалларимизда кўпчиликни ўйлантираётган долзарб мавзулар кўтарилади, лекин уларга нисбатан давлат ва ҳокимият вазифаларида ўтирганлар, жамоатчилик вакиллари томонидан етарлича аҳамият берилмаслиги туфайли улар кўпинча эътибордан четда қолиб кетади. Бундай ҳолат, масалага панжа орасидан қараш, аввало, шу мақола ва кўрсатувни юрагидан ўтказиб, катта меҳнат билан тайёрлаган журналист ва муаллифларнинг ижодий изланишларига салбий таъсир кўрсатиб, қўлини ишдан совутиб қўяди. Энг ёмони, бу чиқишларда кўтарилинган масала ва муаммолар бундай бепарволик натижасида эски ҳолида ўзгармасдан қолиши иқтисодийётимиз ва ҳаётимизга катта зарар етказиши муқаррар.

Таъкидлаш лозимки, оммавий ахборот воситаларининг самарадорлигини кучайтиришни кўзда тутадиган бундай тажрибани жорий этишни, шу асосда матбуот орқали танқидга учраган ташкилот ва корхоналар, мансабдор шахсларнинг ўз ишига ҳолисона қўз билан қараб, мавжуд аҳволни тузатишга ҳаракат қилишини бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига қатъий қилиб қўймоқда.

Бу ўз навбатида матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг, журналист аҳлининг ижтимоий ҳаётимизда, жамоатчилик ўртасида ҳурмат-эътибори, айни пайтда масъулият ҳам ортишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Бугунги кунда бутун дунё Ўзбекистон эришган улкан ютуқ ва натижаларни тан олаётган, эътироф этаётган бир пайтда биз оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам бошқалардан кам бўлмасдан, ана шундай юксак марраларни эгаллашга албатта қодирмиз, десам, ўйламанки, сиз, азизларнинг фикрингизни ифода этган бўламан.

Шу йўлда доимо интилиб, изланиб яшайдиган журналистларни мен ҳамisha қўллаб-қувватлашга, керак пайтда ёрдам ва қўмак беришга тайёр эканлими, уларни ўзимнинг энг яқин ҳамфиқр ва маслақдошларим, деб билишимни изҳор этмоқчиман.

Бугунги хурсандчилик кунда сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор самимий қутлаб, барчангизга сўхат-саломатлик, бахт ва омад, ижодий камолот тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



● Кўшраборт туманидаги «Жонбулоқ» кишлоқ врачлик пунктига «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фондининг «Ижтимоий соҳа вакиллари қўллаб-қувватлаш учун муқобил энергия манбалари» лойиҳаси асосида қўёш батареяси ва шамол генераторлари ўрнатилди. Натижада 2,5 минг кишилик аҳоли пунктида тиббий хизмат сифати янада яхшиланадиган бўлди.

● Андижоннинг эски шаҳар қисмини ободонлаштириш, табиий газ ва ичимлик суви тармоқларини янгилаш ишлари олиб борилаётган вақтда Бобур номидаги маҳалла ҳудудидан қадимий қилич топилди. Олимларнинг фикрича, мазкур тарихий ашё XIV-XV асрларга тегишли экан. Аммо у тегишли даврга мансуб бошқа қиличларга ўхшамайди. Бундан келиб чиқадики, нозик дид билан ишлов берилган 53 сантиметрлик ушбу буюмни бирон-бир ҳукмдор 9-10 ёшли фарзандига совға сифатида тайёрлатган бўлиши мумкин. Шу боис мутахассислар бу ноёб топила Захриддин Мухаммад Бобур эндиғина тахтга ўтирган йилларда ясалган, деган фикрни илгари суришмоқда.

● Зангиота туманидаги «Покиза ният» масъулият чекланган жамияти банкнинг 100 миллион сўмлик молиявий қўмағи эвазига илгор ва тежамкор технологиялар билан қайта жиҳозланди. Натижада бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми 170 фоизга ошди. Корхона жамоаси жорий йилнинг 5 ойида ички бозорга 500 миллион сўмлик чорва ва парранда гўштидан тайёрланган пархез маҳсулотларни етказиб берганлиги бунинг далилидир. Умуман олганда, 2012 йилда тумандаги 17 та корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини тижорат банкларининг 10 миллиард 200 миллион сўмлик кредити ҳисобига янгилаш кўзда тутилган.



● Хитой ҳукумати соғлиқни сақлаш тизимини барқарорлаштиришга оид янги дастур қабул қилди. Унга мувофиқ, мамлакатда икки мингта яқин туман шифохонаси ва қарийб ўттиз минг шаҳар шифохонасини барпо этиш ҳамда беш минг шифохона, тўрт мингта яқин поликлиника ва ўн бир минг тиббиёт пунктларини реконструкция қилиш ва қайта жиҳозлаш мўлжалланмоқда. Хабарларга қараганда, мазкур режани амалга ошириш учун қарийб бир юз эллик миллион АҚШ доллари микдорда маблағ ажратилган. Соҳа мутахассисларининг сўзларига қўра, ушбу лойиҳа мамлакат аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш ва яхшилаш имконини беради.

● Финляндиянинг «Флайнано» компанияси сувга қўна оладиган дунёда энг енгил самолётни ишлаб чиқарди. Лойиҳани амалга ошириш учун ўн йил вақт сарфланган. Бир ўриндикли мазкур ҳаво транспортининг оғирлиги етмиш килограммга тенг. Компания вакиллари сўзларига қўра, соатига икки юз километр тезлик билан учадиган «Флайнано» самолёти икки юз килограммга бўлган юкни кўтара олади. Маълумотларга қўра, «Флайнано» электр двигател билан жиҳозланган бўлиб, унинг бир мартали қуввати қирқ километр масофага учиб ўтишга етади. Ўттиз тўрт минг АҚШ доллари баҳолаётган ушбу самолёт 2013 йилда сотувга чиқарилиши режалаштирилган.

● Франциянинг «Air France» авиакомпанияси 2013 йил охирига бориб ўн фоиз ходимини – беш мингдан ортиқ ишчини ишдан бўшатиш ниятида. Компания раҳбариятининг тарқатган маълумотига қўра, бундан кўзланган асосий мақсад «Air France» харажатларини камайтириш ва даромадини оширишдан иборат. Айни пайтда компания авиация ёқилғиси нархининг ошиб бораётгани, мамлакат бозорида рақобат кучаяётганидан молиявий зарар кўрмоқда.

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ЯНГИ ИЗЛАНИШЛАРГА УНДАЙДИ

Мамлакатимизда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни кенг нишонланди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан миллий оммавий ахборот воситалари ривожига қаратилаётган улкан эътибор соҳа ходимларидан янада фаоллик ва изланувчанликни, огоҳлик ва дахлдорлик ҳисси билан яшаш ва меҳнат қилишни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни кенг нишонланаётган айни пайтда бу жиҳатлар янада ёрқин намоён бўлмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида мазкур санага бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирга соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган фахрийлар, устоз журналистлар, барча турдаги оммавий ахборот воситаларининг ижодий ва техник ходимлари, ношир ва матбаачилар, олий таълим муассасаларининг журналистика факультети профес-

сор-ўқитувчилари, ёш қаламкашлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари тақлиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, ҳамюртларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти тобора кучайиб бораётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)



ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ЯНГИ ИЗЛАНИШЛАРГА УНДАЙДИ

(Давомии Боши 1-бетда)

Демократик талабларга тўла мос келадиган мустақам қонунчилик базаси – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, унга яқин қонун ҳужжатлари мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларини эркин ривожлантиришни, уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашда. Истиқлол йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони қарийб тўрт баробар ошди. 1991 йилда оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 395 та бўлган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 1250 тани ташкил этади. Мустақилликка қадар республикадаги мавжуд барча медиа тузилмалар – газета, журнал ва телерадиоканалларнинг муассислари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари эди. Эндиликда юртимизда рўйхатга олинган оммавий ахборот воситаларининг 60 фоиздан кўпроги нодавлат тузилмалардир.

Соҳага кўрсатилаётган ғамхўрлик самарасида телерадиоканаллар фаолиятига замонавий рақамли ахборот технологиялари жорий этилмоқда. Кадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириш, меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масаласига доимий эътибор қаратишмоқда. Айни пайтда юртимизда интернет журналистикасининг жадал рақнақ топаётгани фуқароларнинг тезкор ахборотларга бўлган талаб ва эҳтиёжини таъминлашда, мамлакатимиз ҳаётига оид янгилик ва воқеалардан ҳаёнд жамъатчилигини ўз вақтида хабардор этишда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлашти-

риш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида миллий журналистикани замонавий асосда рақнақ топтириш юзасидан муҳим вазифалар белгиланган. Унга кўра, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қарорлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш ишлари, телерадиозинтиришларга оид миллий қонунчилигимиз давр талабларига уйғун тарзда такомиллаштирилмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарори барча медиа тузилмалар, нашриётлар, полиграфия корхоналари ва матбаа тарқатуви ташкилотларни ривожлантириш учун қўлай шартларни яратиш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари устидан жамоат назоратини ўрнатишда янги имкониятлар очмоқда.

Соҳа рақнақи йўлида улкан имконият ва қўлайликларнинг яратилиши, ушбу машаққатли ва шарафли касб эгалари меҳнатининг доимий эъозланиб, рағбатлантирилиши ижодкорлардан фаоллик ва қатъият, ўз фаолиятига ҳаққоний, чуқур таҳлил асосда ёндашилиш, жамият, халқ, Ватан манфаатларининг том маънодаги ҳимоячиси бўлиш талаб этилмоқда. Айни пайтда мустақиллигимизни, юртимиздаги барқарор ва осуада ҳаётни, турли миллат ва эллар ўртасидаги аҳиллик, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини қўз қорачигидек асраб-авайлаш, жамият пойдевори бўлиши

оилаларнинг ўрни ва аҳамиятини қучайтириш, ёшларни миллий ҳаёт тарзими, маънавиятимизга ёт зарарли ғоялар, ноҳилис ахборотлар ҳуружи, «оммавий маданиятнинг» салбий таъсирларидан ҳимоялаш вазифалари журналистлар олдида доимо маънавий уйғоқ бўлиш, жамият олдидаги масъулиятни янада теран англашдек улуғвор талабларни қўймоқда.

Мамлакатимизда ҳар йили соҳа ходимларининг касб байрами арафасида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказиладиган «Йилнинг энг фаол журналисти» республика кўрик-танлови соҳада фидокорона меҳнат қилаётган, фаол ва изланувчан, жамиятимиз ҳаётининг турли жабҳаларида кечаётган ислохотларни халқимизга етказишда алоҳида жонбозлик кўрсатаётган фидойи ҳамкасбларимизни аниқлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадбирда мазкур кўрик-танловнинг жорий йилги ғолиб ва совриндорлари эълон қилиниб, уларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Ўзга чиққанлар журналистлар меҳнатини эъозлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, янги ижодий марралар сари руҳлантириш йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўз ижоди билан юртимизда спортни оммалаштириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни спортга кенг жалб этишга катта ҳисса қўшаётган журналистлар тақдирланди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Боситхонова, А.Арипов иштирок этди.

Назokat УСМОҲОВА,
ЎЗА муҳбири

БОЖХОНА ОРГАНЛАРИ УЧУН КАДРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтида ушбу олий ўқув юртини тамомлаган битирувчиларга дипломлар топшириш ва офицерлик унвонини беришга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Истиқлол йилларида божхона хизмати ходимлари томонидан мамлакатимизнинг иқтисодий ҳавфсизлиги таъминлашда, божхона иши соҳасидаги давлат сиёсати муваффақиятли амалга оширилмоқда, контрабандага қарши курашиш ҳамда божхона қонунчилиги бўзилишининг олдини олишга қаратилган ишлар ўз самарасини бермоқда. Бу вазифаларни баҳаришда чуқур касбий билим, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга божхона органлари ходимларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Шулар эътиборга олинган ҳолда, 2003 йилда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Олий ҳарбий божхона институти ташкил қилинди. Бу йил ушбу олий ўқув юртини 118 нафар битирувчи тамомлади.

Тантанали маросимда ўқитувчи ва мураббийлар, тегишли идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, битирувчиларнинг ота-оналари қатнашди.

Олий ҳарбий божхона институти бошлигининг биринчи ўринбосари А.Сунонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ.Жураев, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Ф.Мирзоев ва бошқалар машғулотларни юқори савидада ўтказиш учун яратилган шартларга малакали офицерларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйилганлигидан далолат беришини таъкидлади.

Институтида нафақат фундаментал фанлар, балки махсус курслар бўйича ҳам

зарур билимларга эга бўлди, – дейди ўқитувчи аъло баҳоларга битирган божхона хизмати лейтенанти, қоракалпоғистонлик Дусбол Қодиров. – Масалан, ҳавфхатарларни баҳолаш ва бошқаришнинг замонавий тизимларини, божхона органлари фаолиятига жорий қилинган «Ягона автоматлаштирилган тизим», Бутунжаҳон божхона ташкилоти томонидан қабул қилинган «Хавфсизлик ва савдога қўмқалашишнинг ҳадли стандартлари» ва бошқа йўналишларни ўргандик.

Институт ноёб ускуналар билан жиҳозланган замонавий моддий-техник базасига эга. Бу ерда таълим ривожланган давлатлар ўқув юртларининг илғор таълим асосида юқори технологияли ускуналардан фойдаланган ҳолда олиб борилади. Мисол учун, спектрал таҳлиллар ўтказиш учун мўлжалланган физика-химия лабораторияси ўзининг техник кўрсаткичлари ва сифати жиҳатидан ноёб ҳисобланган Япониянинг «Шимадзу» фирмаси ускуналари билан жиҳозланган.

– Бугун оиламиз учун унутилмас кундир, – дейди ЎЗА муҳбирига битирувчи Жўшқинбек Жумаевнинг отаси Абдуқодир ака. – Божхона хизмати ходими бўлиш шарафли касб, у кишига катта масъулият юклайди. Ўғлимиз Ватани ва халқиға саноқат билан хизмат қилишни, эгаллаган билим ва қўнималарини мамлакатимиз салоҳиятини ошириш, унинг иқтисодий суверенитетини мустаҳкамлашга сарфлайди, деб ишонамиз.

Сардор ТОЖИЕВ

Қарор ва ижро

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНТЕРНЕТНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ ОЧИЛМОҚДА

Глобаллашув асида бирон-бир соҳа фаолиятини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ушбу соҳа Ўзбекистон иқтисодиётининг энг жадал ривожланиб бораётган тармоқларидан бирига айланди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳамоллигида ахборот технологиялари бозорини янада ривожлантириш имконини берадиган қўли қонунчилик тизимини яратилди. Бу борада қабул қилинган 11 тармоққа оид ва 6 турдош қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг унга фармони, давлатимиз раҳбари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари мамлакатимиз ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг меъёрий-ҳуқуқий асосини ташкил этади. Ушбу ҳужжатлар асосида интернет, мобиль алоқа ва бошқа хай-тек маҳсулотларини ривожлантиришга қаратилган қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда, иқтисодиётимизни модернизация қилишнинг юқори технология базаси шаклланимоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларидан янада самарали фойдаланиш борасидаги ишларнинг манжий давомий бўлди, – дейди Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари бўлими бошлиғи Олимжон Умаров. – Мазкур ҳужжат давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги маҳаллий ҳокимият органларининг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш бўйича амалга ошираётган фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган.

Ушбу қарорнинг ҳаётга таъбиқ этилиши мамлакатимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий қилиш ва ривожлантиришга, хусусан, Миллий ахборот тизимини шакллантириш, давлат органларининг интеграциялашган ахборот тизимлари ҳамда ахборот ресурсларини яратиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган интерфасол давлат хизматларини кенгайтириш, шунингдек, ахборотнинг интернет тизимидан кенг фойдаланиш имконини берадиган телекоммуникация инфраузилмасини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

2003 йил мартда Интернетда номлар ва манзилларни тайинлаш халқаро ташкилоти (ICANN) билан тузилган шартнома мувофиқ, «UZ» миллий доменининг маъмури ҳисобланган «UZINFOCOM» марказига миллий домени назорат қилиш ҳўқуқи берилди.

Интернет технологияларини ривожлантириш ва оммалаштириш интернет хизматлари провайдерлари ва операторлари ҳамда маълумот узатиш тармоқлари сонининг ошиши билан бевоқифа болғидир. Ҳўкуматимизнинг халқаро маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш каналининг ўтказувчанлик қўбилиятини оширишга қўмқалашаётгани сабабли провайдерлар сони кескин кўпаймоқда. «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси маълумотларига кўра, 2012 йил биринчи чораги якуналари бўйича халқаро маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш каналининг умумий ҳажми 5145 Мбит/сонияга етган ва 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 2 баробар кўпайган. Халқаро маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш бўйича ижарага олинётган каналларнинг ўтказувчанлик қўбилиятини ошиши билан биринчи даражада миллий оператор «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг маҳаллий операторлар ва провайдерлар учун белгиланган тарифлари ҳам бир неча баробар пасайди.

Хўсусан, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси провайдерлар учун ташкил қилган интернет хизматлари нархини яна пасайтирди ва бу шу йилнинг ўзида тарифларнинг 13 фоизга арзонлаштиришга олиб келди. Ушундан кейин йил мобилда провайдерлар учун тарифлар уч баробар арзонлаштирилди. Провайдерлар учун ташкил қилган нархларнинг пасайтирилиши тўғрисида мамлакатимизда интернетдан пировард фойдаланувчилар учун тарифлар мўнтазам пасайиб бораётгани кузатишмоқда.

Фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини ҳар томонлама таъминлаш учун зарур шартларни яратиш, шунингдек, глобал тармоқда маҳаллий ахборот ресурсларини ривожлантириш мақсадида маълумотларни қайта ишлаш миллий марказлари бозорини ривожлантириш бўйича изчил ишлар олиб боришмоқда.

Бугунги кунда мобиль алоқа операторлари, йирик банлар, телекоммуникациялар операторлари ва провайдерлари, комплекс хизмат турларини кўрсатаётган 30 дан ортиқ хост-провайдерлар ўз сана-марказларига эга.

Ўзбекистонда мобиль интернет дунё тенденцияларига амал қилган ҳолда кенг оммалашмоқда ва баъзи ҳолларда ҳаёнд интернет тармоғига сим орқали уланмиш мўбилга айланимоқда. Ўзбекистонда янги технологияларнинг пайдо бўлаётгани, глобал тармоқда уланмиш имконини берадиган стандартлар ва технологияларни ўзида мўжассам этган уяли алоқа телефонларидан кенг фойдаланилаётгани мобиль интернетнинг ривожланишига ёрдам бермоқда. Бугунги кунда барча мобиль алоқа операторлари шундай хизматларни кўрсатмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мобиль интернетдан фойдаланувчилар сонининг улуғлиги кўпайиб бораётгани мобиль алоқа операторлари тармоқлари олдида маълумотлар узатиш сифати ва тезлигига нисбатан янада кўпроқ талаб қўймоқда. Шунинг учун мобиль алоқа операторлари учинчи авлод (3G) тармоғини жорий этган ҳолда, юқори сифатли овоз, шунингдек, интернетга юқори тезлик билан уланмиш, мультимедиа хизматлари, видеоалоқа, мобиль телевидениедан фойдаланиш таъминлашмоқда. Тармоқ энг замонавий HSDPA технологияси асосида ишлашини инобатта оладиغان бўлса, у маълумотларни 7,2 Мбит/сония тезликда узатиш имконини беради.

Маълумотлар узатиш тезлигини 100 Мбит/сонияга оширадиган LTE технологияси ёки туртинчи авлод мобиль алоқасининг (4G) синон тарихида ишга туширилиши ҳам Ўзбекистонда мобиль алоқа тармоғини янада ривожлантиришга ёрдам бермоқда. Бу йил LTE тармоғини тижорат мақсадида ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Мобиль операторлар бозорининг турли сегментларини қамраб олиш мақсадида қўллаб-қувватлаш тарғиб этилмоқда. Уларни трафик, фойдаланиш вақти, абонент тўловини чеклайдиган пакетларга жалмаш қўймоқда. Интернетдан фойдаланувчилар сонининг ортиши билан «UZ» домени зонасида сайтлар сони ва контент ҳажми ҳам кенгаймоқда. Хизматлар сифатини ошириш ва ҳалол рақобатни ривожлантириш мақсадида «UZINFOCOM» маркази домениларни қўйишга олиш соҳасида рўйхатга олувчи ва маълумотлар вазифаларини тақсимлади. Шунинг учун айни пайтда Ўзбекистонда олтига расмий рўйхатга олувчи фаолият кўрсатмоқда. «Tomas» компанияси, «Anality Alogalar Biznes» (BCC), «Sarkor Telecom», «Billot com», «Arsenal-D» компаниялари, шунингдек, Фарғона водийси бўйича рўйхатга олувчи «Симус» шулар жумласидандир. Рўйхатга олувчилар сонининг кўпайиши интернет тармоғининг миллий сегментига ахборот ресурсларини ривожлантиришга ижодий таъсир кўрсатди — домени рўйхатга олиш нархи анча камайди.

Ўзбекистон юқори технологияларини ривожлантириш учун катта имкониятларга эгадир. Мамлакатимиз ахборот технологиялари саноти муваффақиятли ривожланимоқда, қўшма корхоналар ташкил қилинмоқда, янги софтвер лойиҳалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга таъбиқ этилмоқда, интернет янада оммалашмоқда. Ушбу соҳада амалга оширилаётган изчил ишлар Ўзбекистонда ахборот жамиятини янада ривожлантириш ҳамда унинг ҳаёнд ахборот маконига интеграциялашувига хизмат қилмоқда.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА муҳбири

Ҳар қандай давлат ўзини ривожланган мамлакатлар сафида қўришни истар экан, энг аввало иқтисодий жиҳатдан тараққий этиши керак. Бунинг дунёнинг қўллаб рақнақ топган ва юксалиш йўлидан бораётган мамлакатлар мисолида қўриш мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон ҳам ўз мустақиллигининг биринчи кунларидан бошлаб, бу борада аниқ мақсадни кўзлаб, ўзига хос ва мос йўлини танлади. Бу йўл «Ўзбек модели» деб аталди.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҚАНОТИ БЎЛАЙЛИК

миз гаровидир. Бу эса кенг тафаккурли, ўз тарихи, миллий қадриятлари, ватани ва миллии билан фахрлана оладиган мутахассисларни талаб этишини унутмаслигимиз керак. Бу тинимсиз ўқиш, ўрганиш, излаш, янгиликка интилиш, муҳтасар қилиб айтганда ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан етук иқтисодий номига мушараф бўлиш лозимлигини ҳам чуқур ҳис этиб туришимиз.

Зеро, биз ўзимизни, энг ривожланган давлатлар қаторида қўришни мақсад қилган эканмиз, иқтисодий йўналишлар бўйича иқтисодлашган кадрлар тайёрлашга эътиборни қучайтириш эртанги муваффақиятларимизнинг муҳим омил бўлиши шак-шубҳасиздир.

Ҳар бир ёш иқтисодчи миллий манфаатни, сифат ва самарадорлигини фаолиятининг бош мезони қилиб олиши керак.

Чуқур илмий-амалий таҳлил, ҳўлоса ва тақлиф унинг кундалиқ вазифасига айланиши лозим.

Ўз ютуқларини турдош корхоналар муваффақиятлари билан қиёслаб, чиқарилган ҳўлоса асосида янги ташаббусларга қанот бўлиш давр талабидир.

Аҳолининг эҳтиёжи, талаб ва тақлифларини мўнтазам равишда ўрганиб боришни қандай қилишимиз шарт.

Ва, албатта, барча соҳалар сингаги иқтисодий тараққийётнинг йўли юлдузи қонун эканлигини унутмаслигимиз керак. Шундагина, биз ёшлар аждодларимиз анъаналарига содиқ бўлган ҳолда теран ақл, билим, тажриба билан иқтисодиётимизни ҳар томонлама ривожлантиришда ўзимизни қудратли қуч сифатида кўрсата биламиз. Бу биз ёшларнинг она юртимизга, буюк бунёдкор халқимизга садоқат рамзи сифатидаги бурчимиздир.

Нарғизабон ОЧИЛОВА,
Тошкент Молия институтининг кредит-иқтисод факультети талабаси

«Соғлом авлоднинг тарбиялаш – буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қўриш дегандир». Президентимиз Ислам Каримовнинг мустақиллигимизнинг илк йилларида айтган бу сўзлари мамлакатимизнинг истиқболдаги бош мақсадини, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишини белгилаб берди. Ўзбекистон анча узоқни кўзлаб, фарзандларимиз биздан кўра қучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшашлари шарт, деган буюк мақсадни танлади.

КЕЛАЖАК АВЛОД САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Кейинги йигирма йил давомида бу мақсад йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Оналик ва болаликни муҳфаза қилиш, болалар спортини ривожлантириш, таълим тизимини такомиллаштириш, иқтисодий ҳимояни қучайтириш каби йўналишлардаги ислохотлар бир-бирини тўлдирди, янги тизимни ташкил этди.

Ана шундай эгу қўшларнинг бардавомлигини таъминлашда фуқароларнинг саломатлигини, аввало, йилгига ёшга тўлган шахсларнинг соғлигини алкоғоль ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарарли таъсиридан, шу билан болғик қўлининг ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилиш, шунингдек жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришнинг ташкилий ва ҳўқуқий шарт-шароитларини яратишга қаратилган «Алкоғоль ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилишнинг чеклаш тўғрисида»ги қонун мўлим дастуруламал бўлаётди.

Мазкур қонунда алкоғоль ва тамаки маҳсулотларини йигирма ёшга тўлмаган шахсларга сотилишини тақиқлаш, уларнинг реализацияси таълим, спорт ва диний муассасаларда беш юз метрдан кам бўлмаган радиусда қўйлаш ҳамда объектлари томонидан руҳсатнома асосида амалга оширилиши белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 мартда имзолаган «Чакана савдо ва умумий оватқаланиш соҳасида «Алкоғоль ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарориди алкоғольли маҳсулотлари билан савдо қилувчи савдо объектлари қўйлашувини хатловдан ўтказиш, шунингдек, уларни янги қўйлашга қўйлаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш ҳар бир савдо объектлари бўйича қайта қўйлаштиришнинг аниқ му-

датларини белгилаш ҳамда янги қўйлашнинг қонун ҳужжатларини талабларга мувофиқлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Бу борада бизнинг, Мирзо Улуғбек туманида ҳам бир қатор вазифалар бажарилмоқда. Хўсусан, туманда руҳсатномага эга бўлган ўттиз учта савдо дўкони ва широк эг йигирма олтига умумий оватқаланиш боғи ҳисоб қилинган шўхобчалари узоғи билан 2012 йилнинг 1 октябрга қадар илгари берилган руҳсат гувоҳномаларига мувофиқ алкоғольли, шунингдек, тамаки маҳсулотлари билан чакана савдонини амалга ошириш ҳўқуқига эга эканлиги борасида тушуинтириш берилмоқда. Мазкур муддатлар давомида уларни янги қўйлашга қайта қўйлаштириш кўзда тутилмоқда.

Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмагани каби, тежор замоннинг эврилишиларини инсон ва жамият олдида янги-янги вазифалар қўймоқда. Шу аснода мамлакатимизда баркамол авлод орасига эришиш борасидаги ишлар замон талабларига мос тарзда янги-янги мазмун ва қўлам касб этаётди.

С.САИДУМАРОВ,
Мирзо Улуғбек туман ДСИ «Ресурслар ҳамда бошқа солиқ ва йиғимларни назорат этиш» шўъбаси бошлиғи



СОҒЛОМ ҲАЁТ ТАРАФДОРЛИМИЗ

Бугунги жадал ривожланаётган даврда мамлакатимиз ёшларини бузғунчи ғояларнинг таҳдидларидан, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлардан, хўсусан гиёҳвандлик иллатидан бохабар қилиш, тиббий маданиятни ошириш ва уларда мафқуравий иммунитетни шакллантириш ҳамда вояга етмаган ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яқинда шу мақсадда маънавият тарғибот маркази Юнусовда тумани бўлими Қизил Ярим Ой хайрия жамғармаси, Ўзбекистон тарихи музейи, «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамкорлигида пойтахтимиздаги «Зилола» соғломлаштириш оромгоҳида «Биз гиёҳвандликсиз ҳаёт тарафдоримиз!» шиори остида тадбир ўтказилди. Тадбир иштирокчилари дастур доирасида «Со-

ғлом турмуш тарзини тарғиб этиш» номи ёзғи биатлон мусобақасини ўтказиш ва «Тарихсиз келажак йўқ» номли музей экспозициялари билан танишиш имконига ҳам эга бўлишди. Ушбу кенг қамровли тадбир ўзига оромгоҳда дам олаётган 280 нафардан ортиқ ёшларни қамраб олди.

Отабек ОТАЁРОВ
Козим Улмасов олган сурат

00:35 «Профилактика». Ночное шоу
00:40 Горькая десятка
01:50 Страсти «паза ужаса»
03:45 Вести. Деловая часть
НТВ
05:00 Информационный канал «НТВ-утро».
07:05 Премьера. Остроожный детектив «Агент особого назначения».
09:00 Сегодня.
09:20 «Медицинские тайны».
09:55 «До суда».
10:11 Суд присяжных.
11:00 Сегодня.
12:25 «Судебный детектив».
13:30 Премьера. Остроожный детектив «Агент особого назначения».
14:30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
15:00 Сегодня.
15:15 «Полурасковая проверка».
16:40 «Говорим и показываем». Ток-шоу с Леонидом Золотанским.
17:30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
18:00 Сегодня.
18:30 Премьера. Детективный сериал «Москва. Три вокзала»-3.
19:00 «Судебный детектив»-4С. Чрезвычайная ситуация.

